

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти

Барча педагогик таълим ("Бакалавр")

йўналишлари учун.

МИЛЛИЙ МАКТАБ

Қўқон 2003 йил

Тузувчилар: Юсупов М.М.
- Умумий педагогика кафедраси уқитувчи.

МИЛЛИЙ МАКТАБ

РЕЖА:

- 1.Миллий мактаб - хаётий эҳтиёж.
- 2.Миллий мактабни ташкил этиш муаммолари.

Нима учун сунги йилларда миллий мактаб хақида куп гапирадиган булиб колдик? Нима сабабдан Болтикбуйи жумхуриятларида,бошка миллий улкаларида миллий мактаб масаласи алохида ахамият касб килмокда?Нега бугун бизнинг мустакил Ўзбекистонимизда ҳам миллий мактаб йуналишларини ишлаб чиқиш ва мавжуд мактаб моҳиятини узгартириш учун ҳаракатлар кучайиб бормокда?

Ахир, қадимий ўзбек халқининг мумтоз мударислари-ю,жаҳонга машҳур алломаларини асарларини хижжалаб таҳлил килсангиз ҳам миллий мактаб хусусидаги фикрларини жуда кам ишлатасиз-ку!Хамма гап шундаки улар мактабнинг миллийлигини тарбия бир ҳол сифатида тасаввур килганлар ва уз асарларини шунга асосланиб яратганлар.Минг афсуски,биз кейинги 70 йил ичида ана шу табиий асосдан ажралиб колдик.

Таълим-тарбия тизимидан ҳар бир миллатнинг узига ҳос турмуш тарзи,иктисодий,маданий аҳволи,урф-одати,тарихи,анъанаси,хатто миллий табиати сезирарли урин олмаган эди.Энг даҳшатлиси шуки,мактаб болани ота-онага,утмишимизга, миллий кадрятларимизга, урф - одатларимизга, ўзбекона руҳиятимизга қарши тарбиялай бошлади."Ота рози-худо рози" дега олтин коида эскилик деб кораланди.Бу мактабнинг миллийлигига зуровонлик қилиш,нафакат мактабнинг,балки бутун бошлиқ халқнинг миллийлигини ўйкотишдан иборат мустабид сиёсатнинг оқибати эди.

Миллий мактаб яратиш борасидаги купгина фикрла гоят диққатга сазовор булиб,келгуси ишларимизда кул келиши турган гап.Аммо бази уртоклар анча юзаки ёндашиб туб моҳияти билан миллий мактаб яратишга хизмат килмайдиган масалалар хусусида кизикишиб баҳслашмокдалар.Яна бир гуруҳ уртоклар эса угил ва киз болаларнинг ажратиб ўқитиш,укувчиларга миллий киймлар кийдириш,эски ўзбек ёхуд лотин ёзувига қайтиш,мактабда ислом динини олиб қириш,факат уз олимларимиз илмий ишлари асосадигина дарсликларни яратиб,шу асосида ўқитиш,ўқиш жараёнини тарихий ўтмишга мослаштириш факат Шарк педагогикаси билан чекланиш фикрларини уртага ташламокдалар ва шу тарикан мактабларни миллийлаштиришга ҳаракат килмокда.Бу фикрларини ҳар бирида муаян оқилона мағиз бор.Чунончи қотиб қолган,миллий мазмунда тузилган зурма-зураки тенглаштиришга қаратилган таълим-тарбия усулларида вос кечишга шу орқали тараккиёт йулида белгилашга интилиш албатта зарур.

Она тили миллий ифтикорни,миллий фикрлашни асосидир.Барча миллий кадрятлар,анъаналар замирида она тили ётади.Шу боис ўзбек тилин,унинг барча бойликларини ,гузаллигини мактабларда чуқур,атрофлича урганишни йулга қуймок доркор.Акс ҳолда миллий мактаб яратиш борасидаги хамма ҳаракату ниятларимиз бекор кетиши ҳеч гап эмас.Унинг

учун тилимизнинг илдизлари-ю гузал ва бекиёс имкониятларини-ю куз-куз киладиган оммабоб рисоалар чоп ётиб боришни ҳам унитмаслик керак.

Миллий мактаб ҳар бир укувчининг калби ва шуурига узбек халқи тарихи маданий меросининг бутун улугворлиги ҳамда гузаллигини олиб кириши билан бирга миллий анъанавий ахлоқ қоидаларини укувчи ҳаётининг мазмунига айлантормок керак. Бу эса мактабдаги жуда куплаб қоида ва мезонларни қайта қуриб чиқишни тақозо этади. Укув дастурлари, уқитиш усуллари, дарсликлар мазмуни ва бошқа жуда куп нарсалар узғариши керак. Масалан, жисмоний тарбия дарсида укувчилар купрок уз миллий уйинлари билан машгул бўлмоқлари зарур.

Ҳар бир миллий, халқнинг узига хос тафаккур тарзи мавжуд. Ҳар бир тил вақили дунёни узича қуради. Шундай экан факат она тили, адабиё ва тарихдагина эмас, балки табиий фанлардан ҳам умумжаҳон ҳамда маҳаллий фан ютуқларига асосланган она тилидан оригинал дарсликлар яратиш зарур. Дарсликларда Ал Ҳоразмий, Ибн Сино, Беруний, Улугбекдан тортиб Ҳабиб Абдуллаев, Қори Ниёзий, Обид Содиков, Собир Юнусов, Тошмуҳаммад саримсоқов, Маҳмуд Салоҳиддинов ва бошқа замондош олимларимизнинг фан ва маданиятга қушган ҳиссалари уз аксини топиш керак. Миллий мактабнинг укув режалари, дастурларида, жумладан, меҳнат дарслари замонавий ихтисосликлар билан бирга қулолчилик, ганч уймақорлиги, мисгарлик, наққошлик, завргарлик каби миллий касб ҳунарлар ҳам ҳисобга олинган бўлиши мақсадага мувофиқдир.

Миллий мактабни яратиш учун ҳозирги таълим мазмуни ва уқитиш жараёнидаги купгина камчиликларни тузатиш, муаммоларни ҳал қилиш зарур. Бунинг учун қуйидаги тамойиллар ва устивор йуналишларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир:

- Ҳар бир фвн уқитувиси уз саҳаси бўйича маданий ва тарихий меросни чуқур билишга эътиборни қўйиштириш, қайта тайёрлаш қўрсарида уларни малақасини ошириш:

- Биринчи синфдан бошлаб миллий замин, халқ турмуш тарзи билан брўгланмаган материалларни дарсликдан чиқариб ташлаш, улар урнига халқ педагогикаси, тарихий ҳикоятлардан киритиш:

- Бошланғич синфдан бошлаб она тили билан бир қаторда хорижий (араб, Форс, инглиз, испан, немис ва бошқа) тилларни уқитишни, қироатхонликни ургатишни йўлга қўйиш:

- Мактабда миллий касб ҳунарни ургатадиган тугараклар бирлашмалар ташкил этиш (масалан: уймақорлик, ганчқорлик, сопол ва чинни идишлар ясаш, гилам туқиш, миллий чеварчилик, қосибчилик ва ҳақозо):
- Мактабда барча учун таълимнинг уқ босқичини қўллаш, беҳуда маблаг сарфланишига йўл қўймаслик, уқиш истағи бўлмаган ёқи фан ақосларини узлаштиришга қийналаётганлар бошланғич маълумот билан чекланган ҳолда уларни касб ҳунарга ургатиш масаласини ҳал этиш:
- иқтидорли укувчиларда иборат синфлар ташкил этиш:

- "Таълим хакида"ги конунда кад этилган таълим тизимининг саклаган холда,мажбурий 12 йиллик таълимни амалга ошириш ва шу мажбурий таълим асосида 9 йиллик мактаб базасини кучайтириш.
- Хар бир мактабда "Мерос музейи"ни ташкил этиш.Уш бу музейда илм-фан,санъат,утмиш тарих хакидаги материалларини жойлаштириш.
- Хар бир синфда "Маданий ва тарихий меросимизни урганамиз"рукний асосида кизикарли бурчак ташкил этиш:
- Хар бир мактаб биносининг залини миллий,маданий ва тарихий мебросни акс эттирувчи кургазмали материаллар билан безаш.
- Синфдан ташкари утказиладиган тарбиявий тадбирларда миллий урф-одат,анъаналрга эътиборни кучайтириш:
- "Халк педагогикаси" факультатив курсини жорийэтиш.

Юкоридагилардан куришиб турибдики,хар бир инсон болаликдан уз халкини,миллатини кадрятларини,огзаки ва ёзма адабиётини хамда санъатини, урф-одатларини,илгор анъаналарини,халкчил,реухий, маънавий меросини ургансагина, уша халкка ва миллатга мансуб була олади. Шу сабабли оила,болалар ясилари,богчалари ва бошлангич синфдан бошлаб мактабни тугатгунча болаларга халкни гурури,миллий карашлари,эрка хамда кадрятларини сингдира олмасак,бу борада кузланган максадга эриша олмаймиз.Фарзандларимизнинг баркамоллиги ва юксак одоблилигига эришиш учун эса миллий таълим тарбияга асосланган мактабнинг булиши максадга мувофикдир.

Шуни таъкидлаш керакки,миллий ммактабни яратиш хусусиятидаги даслабки хакараклар ижобий натижа бермокда.Мазкур эзгу ишга купгина иктидорли олим ва укитувчилар,халк таълимининг ташкилотлари уз хиссаларини кушмокдалар.

1996-19976 йилдан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида укиш янги алифбода олиб борилади.Янги имло,алифбода укитиш учун зарур дастур,кулланма ва дарсликлар яратилди.

Шу давр мобайнида 300 га якин янги турдаги таълим муассасалари очилди.Олий укув юртлари кошида 46та лицей ташкил этилди,800га якин укувчи чет элларда таълим олди.Купгина укитувчилар хорижий давлатларининг тажрибаларини урганиш максадида чет мамлакатларига бориб кайтди.

Жойларда мактабларга ва укитувчи мураббийларга,моддий ва маънавий рахбатлантириш,ёрдам бериш масалаларига эътибор анча кучайтирилди.

Шу уринда Республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олдий мажлиси IX сесиясида 1999 йил 29 августда сузлаган нутки ва унинг асосида кабул килинган "Таълим тугрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида" конунлар кабул килингач,узлуксиз таълим тарбия тизини жорий этиш ва унинг асосини ташкил этувчи миллий мактабнинг шакллантириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди.Жумладан:мактабнинг I-IX синфлари доирасида сифатли унумли урта таъли олишни таъминловчи давлат таълим стандартлари ишлаб чикилиб жорий этилмолкда.

2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб аталиши,ёш авлодни маънавий ахлокий тарбиялашда халқни бой миллий маданий-тарихий анъаналари,урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадрятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этиш натижасида миллий мактабни шакллантириш учун яхши шарт-шароитлар яратди.

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамит тараккиётига муносиб хисса қушишга қодир ҳақсинг шакллантириш мақсадида таълим муассасалари,ота-оналар,оила,махалла кумиталари,"Маънавият ва маърифат" жамоатчилиқ маркази,жамоа ташкилотлари, фондлар билан узаро пухта ҳамкорлик қилмоқдалар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

- 1.Миллий мактаб тугрисида олимлар фикри.
- 2.Уқувчилар онгида миллий мактабнинг шаклланиши.
- 3.Миллий мактабни ташкил этиш принциплари.
- 4.Мактабда миллий касб ҳунарни ургатадиган тугараклар ташкил этилиши.
- 5.Миллий мактабга қуйилган талаблар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Миллий мактаб,миллат,принцеп,уқув режалари,урф-одатлар.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. "Халқ таълими"журналининг 6-7 сони Т71992 йил.
2. К.Ҳошимов,С7Нишонова бва бош."Педагогика тарихи"Уқитувчи"Т 1996 йил.
3. И.Қаримов "Барқамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг тараккиёти" Т.1997 йил.